

**ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР  
МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**



**ХОНА ШАРОИТИДА ЭКИЛАДИГАН МАНЗАРАЛИ ГУЛ  
ТУРЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА**

**ТАВСИЯНОМА**



ТОШКЕНТ 2021

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**

**Қишлоқ хўжалигида билим ва**

**инновациялар миллий маркази**

**Бош директори**



**A.Тураев**

**2021 йил**

**ХОНА ШАРОИТИДА ЭКИЛАДИГАН МАНЗАРАЛИ ГУЛ  
ТУРЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА**

**ТАВСИЯНОМА**

Тошкент вилояти 2021 й.

### **Тузувчилар:**

С.А.Мисирова – Наманган мухандислик технология институти Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш кафедраси мудир, доцент.

Б.С.Салимов – Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази Мева-сабзавот ва тупроқшунослик шўбасининг Бош мутахассиси, қишлоқ хўжалик фанлари фалсафа доктори.

### **Хона шароитида экиладиган манзарали гул турларини етиштириш агротехникаси бўйича тавсиянома**

### **Такризчилар:**

А.Қаюмов – Тошкент давлат аграр университети профессори, қ.х.ф.д.

Р.Мурадов – Наманган мухандислик технология институти проф, т.ф.д.

Ўзбекистоннинг иқлим шароитида манзарали хона гулларини етиштиришининг қатор афзаллик томонлари бор. Ерлардан самарали фойдаланишини амалга ошириши, мавсумда икки ва уч марта ҳосил олишига эришиши хамда эрта муддатларда гул маҳсулотларини етиштириши мақсадида ҳар бир деҳқон ва томорқачилар экин майдонларининг маълум қисмини гул экинларига режалаштириши мақсадга мувофиқ бўлади. Фақат гул экинларини етиштириши усули деҳқонлардан чуқур билим ва тажрибаларни талаб этади. Фермерларимиз бу борада кўп тажрибаларга эга. Лекин деҳқон ва гул ихлосмандарининг бу усул бўйича илм ва тажрибаларга муҳтожлиги сезилиб қолмоқда. Шу сабабдан келиб чиқиб, деҳқонлар учун оддий деҳқонча қўлланмани тайёрлашга ҳаракат қилинди. Шунинг учун қўлланмадан фойдаланувчилар тавсияларнинг маҳаллий шарт-шароитларга мос келишини мустақил аниқлаб фойдаланиши, мутахассислар билан маслаҳатлашиши тавсия этилади.

## КИРИШ

Гулчилик соҳасининг тарихи 3000 йилдан зиёд даврни ўз ичига олади ва бу соҳани ривожланиш тарихига оид маълумотлар айрим манбаларда келтириб ўтилган. Демак, сайёрамизнинг ҳамма аҳолиси гулларни қадим -қадимдан яхши кўришган. Улар ўзларининг хушбўйлиги ва алоҳида гўзаллиги билан инсонларни доимо ўзига жалб қилган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, инсонлар қадимдан гулларни фақат ташки кўринишига қараб танлашган.

Узоқ йиллар давомида гулчиликнинг ривожланиши селекционер ва ҳаваскор дехқонлар томонидан бажариб келинган. Гулчилик соҳаси вақт ўтиши билан иқтисодий ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигининг фойда келтирадиган асосий тармоқларидан бирига айлана бошлаган. Чунки, гуллар инсонларнинг талайгина эҳтиёжларини ҳам қондиришга қодирлиги исбот.

Гулчиликнинг саноат асосида ривожланиши дастлаб Голландия, Франция, Италия, Германия каби мамлакатларда бошланган. Сўнгра, сайёрамизнинг бошқа мамлакатларида гулчиликка алоҳида эътибор берила бошланди.

Қадимда гуллардан доривор сифатида табобатда кенг қўлланилган. Аксарият гулларининг ҳар хил аъзолари тўқималаридан тайёрланган препаратлар бир қанча касалликларга қарши қўлланилиб келинган ва ҳозирги кунда ҳам қўлланилмоқда. Масалан, наматак витамин, эфир мойлари, макрова микроэлементларга бой бўлганлиги сабабли, унинг меваси тиббиётда қуритилган ҳолда, настойка қиём ва шарбат шаклида қўлланилади.

Марваридгул юрак уришини тинчлантиради. Мойчечак эса шамоллашда фойдаланилади. Тирноқгулнинг спиртли тиндирмаси яраларни, куйган жойларни даволашда, стоматит, ангина, ҳар хил томоқ оғриқ касалликларида оғиз бўшлигини чайишда, шунингдек гастрит, меъда, ўн икки бармоқли ичак яраларини, жигар касалликларини даволашда қўлланилади.

Қизил эхинатқия препаратлари иммун тизимининг кучсизланиши натижасида пайдо бўлган касалликларни даволашда ҳамда моддалар алмашинуви бузилишидаги қандли диабет ва жигар касалликларини даволашда қўлланилади. У стоматит, грипп касалликларининг олдини олишда ҳам яхши натижа беради. Шу билан бирга бу гул ўсимлиги ревматизм, полиартрит, простатит, гинекологик ва нафас йўллари шамоллаши каби касалликларни даволашда кенг қўлланилади.

Мамлакатимизда ўтказиладиган дипломатик сиёсий, иқтисодий ва ижтимой учрашувлар ҳамда республика миқёсида ташкил қилинадиган симпозиум, конференция ва семинарларни ўтказишни манзарали гулларсиз тасаввур қилиш қийин.

Бугунги кунда кўпгина мамлакатларда ҳалқаро, республика гул сайиллари, фестиваллари, кўргазмалари ва янги кашф қилинган гул навларининг тақдимотлари ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, 2000 йилда Москва давлат университети ботаника боғининг 50 йиллигига бағишиланган тадбир, 2005 йилда ўтказилган “Ермитаж” боғининг 110 йиллик юбилейи, 2005 йилда Москва шаҳрида ўтказилган ҳалқаро гул фестивали 2005 йилда ташкил этилган илонгул кўргазмаси, Голландиянинг Зундерма шаҳрида 2011 йилда ўтказилган 21-ҳалқаро ярмарка кўргазмаси фикримизнинг ёрқин далилидир. Демак, гулчилик саноати қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳалардан биридир. Шунинг учун ҳам кейинги йилларда гулларнинг янги навларини кашф қилишда уларнинг гўзаллигига, рангига, заарқунанда ва касалликларга чидамлигига катта аҳамият берилмоқда.

Дунёда гулчилик саноати узоқ тарихга эга бўлиб, инсонларнинг гулга бўлган талаби тобора ошиб борган. Шу боис, қишлоқ хўжалик мутассисликлари ва олимлар гулчиликни янада ривожлантиришга катта аҳамият беришган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, гулчилик бўйича энг ривожланган мамлакатлардан Рим империяси даврида кузатилган. Рим аҳолиси гулларни жуда яхши кўришган ва гулчиликни ривожлантиришга катта аҳамият беришган. Боғонларнинг изчил ҳаракати билан гулларнинг янги навлари кашф қилинган. Рим империясининг емирилиши даврида гулчилик соҳаси ҳам инқирозга учраган.

Гулчиликнинг навбатдаги ривожланиш даври ўрта асрларда ривожланган давлатларда задогонларнинг ҳашаматли, дабдабали сарой ва қасрлар қуриши билан чамбарчас боғлиқдир. Шу даврдан бошлаб гулчилик саноат асосида ривожланиш поғонасига кўтарилиган. Шу тариқа аксарият Европа мамлакатларида гулчиликни фойда келтирувчи соҳага айлантириш мақсадида уни саноат асосида ривожлантиришга юқори даражада эътибор бера бошлаган.

XX асрга келиб гулчилик фойда келтирувчи соҳалардан бирига айланган. Ривожланган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги мутахассислари гулчиликни янада ривожлантириш мақсадида гулчилик саноатини чуқур ўрганишга киришишган. Бинобарин, Россия Фанлар Академияси тасарруфида гулчилик билан шуғулланувчи илмий-тадқиқот

институтлари лабораториялари бўлимлари ҳамда секторлари ташкил қилинди. Уларда гулчиликни ривожлантириш режалари тузилиб, кўплаб илмий ишлар бошлаб юборилди. Мисол қилиб, Ялта шаҳридаги “Никитин” ботаника боғида тўпланган улкан тажриба манбаларини келтириш мумкин.

Гулларнинг биоэкологик хусусиятлари, ўстириш технологиялари кенг миқёсда ўрганилган. Олимларнинг тажрибаларида ўсимликларнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун жуда кўп кимёвий элементлар зарурлиги баён этилган. Бу элементлардан бирортаси етишмаса, ўсимликларда ҳар хил ўзгаришлар ҳосил бўлади. Масалан, микроэлементлардан Fe, MgZn етишмагандан ўсимлик баргининг ранги ўзгаради, барги сарғайиб тўкилиб кетади. Бор камлигига ёш баргларнинг ранги ўзгаради. Ўсимликлар ўсаётган муҳит ўзгарса ҳам ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишида ўзгариш юзага келади.

Масалан, ҳароратнинг ошиб кетишида бегония гулларининг тўкилиши кузатилади. Иссиқлик 10 °C дан пасайса геран гулининг барглари сарғайиб кетади. Флокснинг гули ҳарорат 15 °C дан паст бўлганда ўсишдан тўхтайди. Агар ўсимликлар совук сув билан суғорилса, узамбарская бинафшанинг барглари сарғайиб кетади. Муҳитда намликтининг кам бўлиши азоли гули баргларининг тўкилишига олиб келади. Намликтининг ортиб кетиши эса ўсимликларнинг илдиз тизимини чиришига ҳар хил мөғор касалликларини пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Демак, кўчатхона ва хонадон шароитида ўстирилаётган гуллар сонининг камайиши ва сифатининг пасайишига уларнинг ўсиши ва ривожланиши даврида, шунингдек экиш маҳсулотларини саклаш жараёнида ҳар хил зааркунанда ва касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар билан касалланиши ҳамда об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши асосий сабабчиларидан ҳисобланади.

Республикамида манзарали хонадон гулларнинг сифат кўрсаткичлари юқори бўлган, зааркунанда ва касалликларга чидамли, ҳар бир экиш муддати учун мос навларни тўғри танлаш лозим.

Хулоса қилинганда мазкур тавсиянома аҳоли кўчатханалари ва хонадонларида оқилона фойдаланиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг моддий манфаатдорлигини оширишга ҳизмат қиласи.

## **КЎЧАТХОНА ВА ХОНА ШАРОИТИДА ЭКИЛАДИГАН МАНЗАРАЛИ ГУЛ ТУРЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ**

Манзарали ўсимликларга юқори тузилишга эга бўлган бир, икки ва кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар, чала бута ва дараҳтлар киради. Бу ўсимликлар ўз навбатида вегетатив ва генератив органлардан таркиб топган. Уларнинг вегетатив органларига илдиз, поя ва барглари кириб, бу ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарур

Генератив органларига эса гуллари, мевалари ҳамда уруғлари киради. Вегетатив органлар ўсиш, кўпайиш қобилиятига эга бўлиб, генератив органлар эса уруғдан кўпайтириш учун хизмат қиласди.

Ўсимлик ҳўжайралари протоплазма, ситоплазма, ядро ва вакуола ҳамда қобиқдан иборат. Протоплазмада пластидалар жойлашган. Протоплазма рангсиз суюқлик бўлиб ҳаракат қилиш қобилиятига эгадир. Унинг ички қисмида вакуола жойлашган ҳамда органик ва анорганик моддалар бор. Ҳужайра ядроси думалоқ баъзан чўзиқроқ шаклга эга. Ядро ўсимлик ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Гуллар келиб чиқишига кўра уч хил илдиз бўлади: асосий, ён ва қўшимча. Гулчиликда қўшимча илдизлар ўзига хос аҳамият касб этади. Қўшимча илдизлар ўсимликларнинг поя ва баргларида ҳосил бўлиб, бу кўпчилик манзарали ўсимликларнинг вегетатив кўпайиши учун асосий рол ўйнайди. Кўпчилик пиёзли гулларда илдизлар нафақат пиёзининг остки томонидан балки пиёз устидан, яъни поя асосида ҳосил бўлади. Шунинг учун бундай пиёзларни пиёз усти илдизлари тупроқ ичидаги бўлиши учун чуқурроқ экишга тўғри келади.

Ўсимликларда тепа ва ён куртаклар бўлиб, тепа куртаклар поянинг учки қисмида, ён куртаклар эса барг қўлтиқларида жойлашади. Булардан ташқари, қисқарган новдаларда жойлашган йирик гул ҳосил қилувчи куртаклар ҳамда бўғим оралиқлари узун бўлган новдаларда жойлашган майда барг ҳосил қилувчи куртаклар бўлади. Тепа куртак бошқа барча куртакларга нисбатан тез ўсади. Ён куртаклар эса қанчалик новданинг пастида жойлашса шунчалик секин ўсади. Ён куртакларни ўсишини тезлатиш учун тепа куртаклар чилпиб ташланади. Бундан ташқари бу усул ўсимлик шох-шаббаларининг кўпайишига ҳамда уларга чиройли шакллар беришда катта аҳамиятга эга.

Гул табиатдан қисқарган новда бўлиб унинг шакли ўзгарган барглари (баъзан гул барглар ҳам дейилади) бор. Тўлиқ шаклланган гул одатда яшил рангдаги алоҳида-алоҳида ёки қисман бирекиб ўсан гул косача

барглардан иборат бўлиб, бу ўз навбатда ҳимоя вазифасини бажаради. Гултожи эса хилма-хил рангдаги гултожибарглардан ташкил топган.

Гулкоса ва гултожибарглар биргаликда гул қўрғонни ташкил қиласди. Гулларнинг ранг-баранг ва нафис бўлиши гулкоса ва гултожи баргларнинг тузилишига ва рангига боғлиқдир. Гулда гулкоса ва гултожи барглар бўлса бундай гулларга мураккаб гул қўрғонли гуллар дейилади. Оддий гулқўрғонли гулларда буларнинг иккаласидан бири иштирок этади. Гулларда чангчилар сони бир нечта айримларида эса жуда кўп бўлади. Камдан кам ҳолларда чангчилар бир иккита бўлади. Ҳар бир чангчи одатда чангдондан унинг ивидан ва боғлағичидан ташкил топган.

Гулнинг марказий қисмида уруғчи жойлашган бўлиб у бир ёки бир нечта баргларнинг қўшилиб ўсишидан ҳосил бўлади. Уруғчи асосан тумшуқчадан, устунчадан, ҳамда асосий қисми ҳисобланган тугунчадан таркиб топган. Тугунча ичидаги бир ёки бир нечта уруғ куртаклар жойлашиб булардан уруғлар ҳосил бўлади. Гулларнинг шакллари гул ўрнида жойлашиши гул қисмларининг сонлари уларнинг ранг баранглилиги ўсимликлар оламида гулларнинг турли туманлигидан далолат беради.

Хуллас манзарали ўсимлик гулларнинг хилмахилигива хонани кислород билан бойитиши, морфобиологик ҳусусиятларга эга бўлиши кишиларни қадимдан ўзларига жалб қилиб келган.

## **ХОНА ШАРОИТИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ГУЛ НАВЛАРИ**

Хоналарини янада қулай ва чиройли қилишга ҳаракат қилиб, эгалари қоида тариқасида, турли хил декоратив элементлар ва мебелларни сотиб олишади, аммо бу ҳаво сифатига қандай таъсир қилиши ҳақида кам одам ўйлайди. Гап шундаки, айнан мана шу “янги нарсалар” турли моддаларни чиқариши мумкин. Електр жихозлари, линолеум, ламинат тахта ва бошқалар баъзида формалдегид исларини ўз ичига олади, бу эса ўз навбатида хонадаги ҳаво билан алоқа қиласди. Лекин уни тузатиш учун нима қила оласиз? хона ўсимликлар ҳар қандай уйда ҳаво (кислородни) сифатини яхшилаши мумкин. Улардан баъзилари тутун, чанг ва бошқа зарралар исларини, шунингдек, инсон саломатлиги учун хавф туғдирадиган оғир бирималарни ўзлаштириб, ҳавони тозалайди.


**Ҳавони тозалайдиган хона гул ўсимликлари.** Қуйида биз ҳавони тозалашнинг ажойиб қобилиятга, юқори декоративликка эга бўлган бир нечта турдаги хона шароитида етиштирилладиган гул ўсимликларнинг навлари.

**Хлорофитум** - ҳар қандай квартиранинг “ўпкаси” га айланиши мумкин. Гап шундаки, у ҳаводаги кўпгина заҳарли моддаларни, шунингдек, углерод оксидини ўзлаштиришга қодир.

Кислородни чиқариш ва ҳавони формалдегидлардан тозалаш қобилияти учун барча хонагуллари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Кўпчилик бундай ўсимликнинг жуда оддий кўринишига ишонишади. Бироқ, уни осиб қўйиш, бунинг учун ғайриоддий ёрдамни танлаш ёки идишни чиройлитувакчалар билан безаш керак, шунда хлорофитум дарҳол ўзгаради.



**Фикус** - Бенжамин ҳам хонадаги ҳавони тоза қиласиган хона гуллари орасида биринчилардандир. Бу ўсимлик ҳаводаги чангни, шунингдек, пластмассадан ясалган буюмлар ва баъзи мебеллар томонидан чиқариладиган турли хил заарли бирикмаларни йўқотишга қодир. Бундай фикус гул навлари ўсиш пайтида унинг поялари, агар керак бўлса, буралиб, уларга турли хил ғайриоддий шаклларни беради.



**Спатифиллум** - гуллари жуда ўзига хос хусусият ва чиройга эга, улар кўпинча гул хаваскорлари томонидан “пардалар” деб аталади. Бундай гуллар деярли ҳар қандай хонани безатиши мумкин, чунки у ажойиб кўринишга эга ва у хонадаги хавони моғор спораларидан, шунингдек, формалдегид ва триклорэтилендан жуда яхши тозалайди.



**Пеларгония** - агар сиз уйингизга пеларгониум гулини эксангиз, у аллергия билан оғриганларга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олишингиз керак. Бироқ, бундай гул шубҳасиз фойдалидир, чунки у патоген микроорганизмларнинг ҳавосини тозалайди. Бу ажойиб хусусият барглар эфир мойларини ўз ичига олганлиги билан боғлиқ ва агар одамда контрендикация бўлмаса, улар ҳам унинг танасига фойдали таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, пеларгония гули асаб тизимининг ҳолатини нормаллаштиради ва уйқуни яхшилайди.



**Сансевиерия** - кўплаб гул хаваскорларисансевиериянинг бир қатор гайриоддий хусусиятларга эга еканлигини билишади. Ёзда у балконга кўчирилса ва у ерда бир ойга қолдирилса ҳам, у жазира машина қўёш остида ҳам + 35 °C га ҳам чидамли. Агар ўсув даврида барглар қуриб қолса, уни сояли жойга ўтказиш ва суғориш керак бўлади. Бироз вақт ўтгач, барглар жонланади ва бир неча ой ичида чиройли кўринишга эга бўлади. Бундай гуллар жуда фойдали, чунки у хона ҳавосини формалдегидлар ва азот оксидларидан тозалайди. Ушбу гуллар болалар боғчаси ва ошхона учун жуда мос келади.



**Хамедория** - жуда чиройли гул бўлиб, улар кўпинча гул хаваскорлари томонидан “пардалар” деб аталади. Бундай гуллар деярли ҳар қандай хонани безаттириши мумкин, чунки у ажойиб кўринишга эга. У хонадаги ҳавони моғор спораларидан, шунингдек, формалдегид ва триклоретилендан жуда яхши тозалайди.





Кўпгина гул хаваскорлари гербера жуда чиройли бўлса-да, мутлақо фойдасиз эканлигига шубҳа қилишади. Шунинг учун у фақат уйларини безаш учун ишлатилади. Бироқ, бу чиройли қўринадиган даражада оддий эмаслигини кам ихлосмандлар тушунади. Гап шундаки, бундай гул ҳаводагаи бензолни олишга қодир, шунингдек, уйқуни яхшилашга ёрдам беради.

**Кипарисовик** - каби гуллар ҳаводаги чангни ва у билан электр курилмалари томонидан чиқариладиган салбий ионларни ўзлаштира олади. Ушбу гул, шунингдек, сўрилган салбий ионлар ўрнига ижобий ионлардан тўлдириб хонадаги ҳавони чиқаришга қодир. Бунинг ёрдамида хона ҳавоси анча тоза бўлади.



## ЛИМОН ВА АПЕЛСИН ДАРАХТЛАРИ

Турли хил лимон ва апелсин ўсимлиги навлари хона ҳавосига ижобий таъсир кўрсатади. Бундай ўсимлик жойлашган хонада турли патоген бактериялар ва микроблардан тозаланган ҳаво мавжуд. Цитрус мевали ўсимликлардан инсон организмига ижобий таъсир кўрсатадиган эфир мойлари мавжуд бўлиб, хонадаги ҳаво жуда тез-тез янгиланиб туради. Бундай дараҳтлар қизиқарли, чунки баъзи ҳаваскорлар учун улар



жуда кам меҳнат талаб этилади ва тез ўсади.

**Бегония** - кўплаб уйларда дераза токчаларини безатиш учун экиб этиширилади. Бу гул хонадаги чангни ютиш билан бирга ҳавони намлантиришга ҳам қодир. Шу билан бирга, барг пластинкалариданаги чангни қайта ўзига сингдириши учун (чангютгич каби) пуркагичда мунтазам равишда намланган бўлиши керак. Бундай гуллар ҳаводаги микроблар ва замбуруғларнинг йўқ қилишга ҳам қодир. Улар, шунингдек электр тармоқларининг нурланиши билан курашишга ёрдам беради. Бундан ташқари, гуллаш даврида барглари жуда чиройли тусга киради.



**Лаурел гули** - Европалик ихлосмандлар учун жуда машхур, аммо Россияда уни тез-тез учратиш мумкин. Бироқ, бу ўсимлик жуда касалликларга чидамли. У ҳаводан турли патоген микроблар ва чангларни ютади. Шунингдек, турли хил касалликларга шифо. Ушбу гул жуда кучли дориворлик хусусиятига эга ва хона ҳавосини тозалаши билан бошқа гуллардан ажралиб туради.




**Диеффенбачиа** - гули кўпинча ўпка касалликлариға чалинган одамлар учун етишириш тавсия этилади. Гап шундаки, бундай гуллар турли касалликларнинг ривожланишига сабаб бўладиган стафилококкларни йўқ қилишга қодир. Бу гул, шунингдек, девор ёки пол бўёқларидан чиқадиган заҳарли моддаларни (ксилен ва толуол) йўқ қиласди.



Ҳавони мукаммал даражада тозалайдиган яна бир ёпик ўсимлик - Драсаена. Агар сиз деразангизни шундай гул билан безацандыз, шамоллатиш пайтида хонага чиқинди газлар ёки күчадан бошқа ёкимсиз ҳидлар тушиши ҳақида ташвишланишингиз шарт емас. Ҳақиқат шундаки, бундай бута ҳавони бензолдан, шунингдек, егзоз билан бирга хонага кириши мумкин бўлган триклоретилендан яхши тозалайди.



**Драсаена** - Ҳавони мунтазам тарзда тозалайдиган яна бир хонагули - Агар сиз деразангизни шундай гул билан безасандыз, шамоллатиш пайтида хонага чиқинди газлар ёки күчадан бошқа ёкимсиз ҳидлар кириши ҳақида ташвишланишингиз шарт эмас. Ушбу гулбарг пластинкалари орқалихонада мавжуд бўлган ҳаводаги бензолдан ҳамда триклоретилендан яхши тозалайди.



*Счеффлера* - каби ўсимлик тамаки чекувчилар учун жуда мос келади. Ушбу гул ҳаводаги никотин ва смолани ўзига жуда тез ўзлаштиради, шу билан бирга уларни заарсизлантиради. Бу гул жуда ажойиб кўринишга эга, аммо у Аралиасеае оиласига мансуб энг катта турнинг бир қисмидир. Бундан ташқари, баргларнинг жуда тўқ яшил-сариқ рангларга эга бўлади, агар у жуда кўп микдорда ёруғлик олса.

Қайси гулни хонада етиштиришни истасангиз, энг муҳими, сиз мухитни ҳисобга олган ҳолда танланг. Шунингдек, хона гулларини танлашда ҳайвонлар ва болалар учун қанчалик заҳарли эканлигини ҳисобга олиш керак.



**Ҳамедореа** - ҳавони заарли аралашмалардан тозалайди. Ҳамедореа, шунингдек, бамбук палма деб ҳам аталади. Ушбу гул жуда ажойиб кўринади, шунингдек, ҳавони намлайди ва уни формалдегид ва бензолдан тозалайди. Парваришилаш: ўртача ёруғликни, салқинликни яхши кўради, +12 дан + 20 ° С гача бўлган ҳароратда яхши ўсади. Аммо ҳароратнинг кескин ўзгариши у учун эмас, шунинг учун ҳамедореа илдизини қораламалар билан ҳимоялаган яхшироқ.



**Мелисса** - маҳаллий ялпиз деб аташади. Ушбу гул очиқ ва хона шароитида етиштирилади. Гулнинг фойдали томонлари ўзидан чиқарадиган ёқимли ҳидини ҳашоротлар хуш кўрмайди, яъни гулдан узоқроқ бўлган жойга ёки хонани тарқ этади. Ялпиз ёқимли ҳиди ва ароматик чой дамламаси учун экиб етиштирилади. Халқ табобатида ялпиз шамоллаш, грипп, овқат ҳазм қилиш, ошқозон бузилиш, организмда шиш бўлгандан асаб касалликларини даволаш учун ишлатилади. Яраларга янги барглар қўлланилади. Ялпиз чойи бир вақтнинг ўзида асаб тизимини тинчлантирувчи ҳисобланади.



**Фисус фенол** - ҳавони заарли аралашмалардан тозалайди. Ушбу хона гулиҳаводаги бензолни олади. Бензол, мебел ва пардозлаш материалларидан ҳосил бўлади. Фисус шифобахш хусусиятларга эга. Халқ табобатида у яллиғланиш касалликларига қарши қўлланилади. Аммо бу ерда еҳтиёт бўлиш керак: фисус аллергияга олиб келади. Худди шу сабабга кўра, у уй ҳайвонлари уни татиб кўрмаслиги учун жойлаштирилади. Фисус ёруғлик нурини афзал кўради. Мавсумга қараб +16 дан + 28 ° С гача бўлган ҳароратда яхши ривожланиб ўсади. У нам ҳавони яхши кўради, шунинг учун қишида у сув билан пуркалади.



**Бегония** - ҳавони бактерия ва вируслардан тозалайди. У жуда чиройли ва оддий гуллайдиган ўсимлик. **Бегония** гули ўзидан патогенларни ўлдирадиган фитонцидларни чиқаради. Шунингдек, у ҳаводан заарли моддаларни ўзлаштириб ўзидан кислород чиқоради. Агар сиз уйда чексангиз, begonia фойдали бўлади. **Бегония** шифобахш хусусиятларга ҳам

эга: у уйқуни нормаллаштиради, қон босимини пасайтиради ва нафас олиш тизимини нормаллаштиради.



***Супер Стрендтх*** - электромагнит майдонлардан ҳимоя қиласы. Кактуслар күпинча компьютерлар яқинидаги офисларда, квартираларда еса телевизорлар олдида жойлаштирилади. Кактуслар экранлардан заарлы електромагнит нурланишни ўзлаштиради деб ишонилади. Кактуслар халқ табобатида юрак-қон томир тизимининг яллиғланиши ва касалликлари учун, шунингдек, гриппнинг олдини олиш ва метаболизмни тезлаштириш учун ишлатилади. Башка ўсимликларда бўлгани каби, сиз шифокорнинг рухсатисиз экстрактлар ва инфузиялар билан даволанмаслигинги керак.

Хизмат кактуслар оддий. Улар иссиқлик ва ёрқин нурни яхши кўрадилар. Уларни кўпинча сугориш керак емас - улар чўлларда ўсади, шунинг учун улар сувсиз осонгина қилишлари мумкин.



**Суперқувват** - ҳавони тозалайди, самарадорликни оширади, тинчлантиради. Аглаонема ҳаводан толуол ва бензолни ютиш учун қадрланади. Бу хусусият нафақат квартирада, балки пардозлаш материалларининг сифати жуда керакли бўлган ва офис жиҳозлари доимий равишда ишлайдиган офисда ҳам фойдалидир. Аглаонема ҳавога диққатни жамлашга ва стрессли бартараф этишга ёрдам берадиган моддаларни чиқаради. Камчиликлари ҳам бор: аглаонема заҳарли ҳисобланади. У болалар ва уй ҳайвонларидан яширинган ва унга ғамхўрлик қилгандан сўнг, қўллар яхшилаб ювиласди. Хизмат: Аглаонема сояда жойлаштирилади. У + 25 дан + 27 ° С гача бўлган ҳароратни афзал кўради.

\*\* *Қайси гулни хонада этиштиришини истасангиз, энг муҳими, сиз муҳитни ҳисобга олган ҳолда танланг. Шунингдек, хона гулларини танлашида ҳайвонлар ва болалар учун қанчалик заҳарли эканлигини ҳисобга олиши керак.*

\*\* *Интернет <https://blog.domclik.ru> ссайти тавсиялари ва илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан тайёрланди.*